



Қува.т МИБ

Фарғона вилояти Қува тумани “Ватанпарварлик ойлиги” доирасида 19-сонли умумтаълим мактаби ўқувчи ёшлари билан 45970-сонли ҳарбий қисм тарғибот гуруҳи томонидан “Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!” шиори остида давра суҳбати ва учрашувлар ўтказилди.





Қува.т МИБ

Қува тумани мудофаа ишлари бўлими туман ҳалқ таълими билан ҳамкорликда умумтаълим мактабларда ва мактабгачатаълим муассасаларида “Ватанпарварлик ойлиги” муносабати билан тадбирлар ўтказилмоқда.





Қува.т МИБ

Қува тумани хокимлиги мажлислар залида Ватанпарварлик ойлигини ўтказиш чора тадбирлари тўғрисида еғилиш бўлиб ўтди. Еғилишда хокимлик вакиллари, мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, Ёшлар иттифоқи етакчилари, 45370-сонли ҳарбий қисм тарғибот гуруҳи ва бир қатор ёшлар иштирок этди.





Қува.т МИБ

“Ватанпарварлик ойлиги” юртимизда кўтаринки руҳда ўтказилиб келинмақда. Жумладан, Қува тумани марказий стадионида “Ватанга қалқонмиз, тинчликка посбон!” шиори остида ҳарбий Ватанпарварлик фестивали ўтказилди. Тадбирда туман ҳокимлиги, мудофаа ишлар бўлими бошлиғи, ДХХ чегара кўшинлари, ички ишлар бўлими бошлиғи, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, ШХО маъданият маркази оркестор жамоаси, маъданият ва маърифат маркази хонандалари, 45370-сонли ҳарбий қисм тарғибот гуруҳи, ХТБ мактаб ўқувчи ёшлари ва 29-мактабгача таълим тарбияланувчилари иштирок этди. Тадбир оммавий ахборот воситалари орқали кенг оммага намойиш этилди.





Қува.т МИБ

Фарғона вилояти Қува туманида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда “Ватан химоячилари” кунига бағишланиб педагогика коллежи ўқувчилари ўртасида “Темур тузуклари билимдонлари” танлови ўтказилди. Ғолиблар мудофаа ишлари бўлими фахрий ёрлиқлари ва эсталлик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, туман умумтаълим мактаблари ЧҚБТ фани ўқитувчилари ўртасида “Энг илғор ўқитувчи” кўрик танлови бўлиб ўтди.





Қува.т МИБ


Фарғона вилояти Қува туманида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда “Ватан химоячилари” кунини муносабати билан 1-сонли мактабгача таълим муассасасида тадбир ўтказилди. Тадбирда Қува тумани ҳокимлиги вакиллари, мудофаа ишлар бўлими ҳамда 45370-сонли ҳарбий қисм тарғибот гурихлари иштирок этди.





Қува.т МИБ

Фарғона вилояти Қува туманида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда “Ватан химоячилари” куни муносабати билан musiқа ва санъат мактаби ўқувчилари ўртасида rassomчилик йўналиши бўйича кўрик танлов ўтказилди. Тадбирда туман хокимлиги вакиллари ва мудофаа ишлар бўлими бошлиғи иштирок этди.





Қува.т МИБ

Фарғона вилояти Қува туманида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда “Ватан химоячилари” куни муносабати билан умумтаълим мактабларида 45370-сонли ҳарбий қисм тарғибот гуруҳи иштирокида тадбирлар ўтказилди.





Қува.т МИБ

Фарғона вилояти Қува туманида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда “Ватан химоячилари” куни муносабати билан туман хокимлиги, Мудофаа ишлар бўлими, Ички ишлар, ДХХ чегара пости, 45370-сонли ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари, байналминал жангчилар ва қуролли кучлар фахрийлари иштирокида катта тадбир ўтказилди.

